O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 18 апрель, № 77 (4487) Жума

# ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ




Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

***Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — CAITME-2008” Марказий Осиё 4-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Иқтисодиёт вазирликлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК, республика Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги расмий кўмагида “ITE Uzbekistan” кўргазма компанияси томонидан ташкил этилган кўргазманинг очилиш маросимида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қаторида тўқимачилик саноатида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бу юксак самара бераётгани алоҳида таъкидланди.

Кўргазмада тўқимачилик саноати ривожланган жаҳоннинг салкам 20 мамлакатидан 130 та компания ўз хизмат кўрсатиш турлари ва маҳсулотлари намуналари билан иштирок этмоқда. Хусусан, Германия, Ҳиндистон, Австрия, Россия, Туркия, Италия сингари давлатларда ишлаб чиқарилган пахта хом ашёсини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик ускуналари, лубрикантлар ва бўёқлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма экспозициясининг 70 фоиз майдонини эса тўқимачилик машинасозлиги бўлими эгаллаган. Бу ерда “Oerlikon Schlafhorst” (Германия), “Atakan Industrial Machinery” (Туркия), “Marubeni Corp” (Япония), “Brazzoli S.P.A (Италия) каби машҳур компаниялар ўзларининг замонавий технологияларини намойиш этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кўргазма доирасининг кенглиги ва томонлар ўртасида қизғин музокаралар олиб борилаётгани ўзаро келишув ва шартномалар кўп бўлишидан далолатдир.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жанубий Кореяда чоп этиладиган «Diplomacy» журналининг март ойидаги сони тўлалигича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасининг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимини бажаришга расман киришишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун Сеулга амалга оширган ташрифига бағишланади.***

# «DIPLOMACY» ЖУРНАЛИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

**Дунё нигоҳи**

«Diplomacy» Жанубий Кореядаги етакчи ойлик журнал ҳисобланади ҳамда мамлакат сиёсий, илмий, ишбилармон ва жамоат доираларида, шунингдек, Шимолий ва Лотин Америкаси, Европа, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ҳамда Австралияга тарқатилади.

Ўзбекистон ҳақидаги материаллар журнал президенти, доктор Лимб Ток Кюнинг «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Кореяга хуш келибсиз!» деб номланган мақоласи билан очилади.

Унда муаллиф қуйидагича ёзади: «Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовни унинг Жанубий Кореяга ташрифи муносабати билан чин дилдан қутлаб, унга ўзимизнинг чуқур ҳурматимизни изҳор этишни истар эдик. Корея халқи Президент Ислом Каримовни самимий ҳурмат қилади, чунки Ўзбекистон етакчиси Корея раҳбарияти билан очиқ мулоқот учун ўзининг Сеулга амалга ошираётган ташрифлари чоғида ҳамиша ўз халқига қандай қилиб янада кўпроқ хизмат қилиши мумкинлиги хусусида ўйлайди. Ўзбекистон Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида Жанубий Корея сармоялари энг кўп киритилган давлатдир», — дея қайд этади доктор Лимб Ток Кю.

Муаллиф 2007 йил 23 декабрда Ўзбекистонда бўлиб ўтган президент сайловларида хорижий кузатувчи сифатида иштирок этиб, унда олган ўз таассуротлари ва баҳоларини журналхонлар билан ўртоқлашади. Кореялик ноширнинг айтишича, мазкур сайловлар давомида у ўзбек халқининг Ислом Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватлаганига шахсан гувоҳ бўлган.

«Мен ёшлар, талабалар ва турли касб эгаларидан интервью олиб, нима учун сайловда Президент Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаганларини сўрадим. Улар эса бу шахс юртимиз иқтисодий ўсиши ва миллий хавфсизлигини таъминлаб берди, дея алоҳида таъкидлади», — деб ёзади доктор Лимб Ток Кю.

«Diplomacy» журналидаги яна бир мақолада 2008 йил 26 февралда Ўзбекистон давлати раҳбарининг Корея Республикасига ташрифи доирасида кореялик жамоат арбоблари билан учрашув бўлиб ўтгани хусусида хабар қилинади.

Корея Миллий Ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман Соп Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашув чоғида қайд этдики, мазкур ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун янги марралар эшигини очади.

Президент Ислом Каримов ўтказилган учрашувлар давомида Корея Республикасининг янги сайланган президенти Ли Мён Бак дўст мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожига янги суръат қўшишига ишонч билдирди.

Мазкур учрашувда иштирок этган «Корея Республикаси — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси президенти, «Shindong Business Group» компанияси раҳбари Ким Юн Сикнинг билдиришича, мамлакат раҳбарияти олиб борган иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистон айни пайтда юксалиш йўлидан жадал одимламоқда. Ким Юн Сик ўзи бошқараётган «Shindong Business Group» компаниясининг Ўзбекистондаги муваффақиятли сармоявий ва иқтисодий фаолияти хусусида ҳикоя қилди.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Испания Қироллиги Халқ ҳимоячиси Энрике Мугика Герцог раҳбарлигидаги Испания Омбудсмани делегацияси аъзолари 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм, Омбудсман иши, ҳуқуқ-тартибот ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Испаниянинг олий қонун чиқарувчи органлари ва Омбудсманлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. 2007 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан Испания Қироллиги Халқ ҳимоячиси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Томонлар парламентлар ва Омбудсманлар ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Испания Омбудсмани делегацияси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев билан ҳам музокара ўтказди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р. Рўзметов тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар уни такомиллаштиришга қаратилган барча таклифларни кўриб чиқдилар. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н. Алимов “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Савол-жаволардан, ҳужжат барча сиёсий

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи

корлик қилишга бўлган хоҳиши ёлғон эканлиги ёхуд шахснинг жавобгарликдан бўйин товлаш усули эканлиги ишончли тарзда аниқланган бўлса.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

**13-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш**

Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

**14-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик**

Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**15-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**16-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 17 апрель
№ ЎРҚ — 154

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ

# Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2008 йил**

Қирқиш чизиғи

рида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар (бундан буён матнда ҳудудий идоралараро комиссиялар деб юритилади) ҳам тузилиши мумкин.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;

ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

**7-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистика ҳисобини ташкил этади ва амалга оширади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ахборот тақдим этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ўтказади;

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларида назарда тутилган, ички иш-

4

Буклаш чизиғи

лар органлари ваколатига кирадиган тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди;

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки тергов ўтказади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни ундирмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

зарур бўлган ҳолларда чет давлатларнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни белгиланган тартибда ташкил этади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

**8-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш**

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фу-

5

# «DIPLOMACY» ЖУРНАЛИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Diplomacy» журналида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ҳам алоҳида келтириб ўтилади. Ушбу бўлимда қайд этилишича, бевосита Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва фуқаролик жамияти асослари яратилди, аҳоли тинчлиги ва осойишталиги таъминланди ва мустаҳкамланмоқда, мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва равнақи йўналишлари ҳамда янги минг йилликда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг турмуш даражаси юксалишининг муҳим устувор жиҳатлари белгилаб олинди.

Журналда чоп этилган бошқа бир мақола Сеулда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Корея Республикалари Президентларининг учрашув ва музокаралари натижаларига бағишланган.

Мақолада саммит давомида давлатлар раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилганига эътибор қаратилган.

Президент Ли Мён Бак унинг мамлакати Ўзбекистонда таълим, автомобилсозлик, тўқимачилик, ахборот технологиялари, қурилиш, нефть ва газ соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдираётганини қайд этди. Шунингдек, Жанубий Корея Президенти Ўзбекистон билан ҳамкорликни сезиларли даражада кенгайтиришга, ўз мамлакатининг иқтисодий тараққиёт тажрибаларини ўртоқлашишга интилишини билдирди.

Журналдаги материалларда таъкидланишича, «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Сеулга ташрифи асносида Корея газ корпорацияси («КОГАЗ») билан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ўртасида Ўзбекистонда йирик табиий газ конларини ўзлаштириш бўйича қўшма корхона тузиш ҳақида битим имзоланди. Шуни айтиш жоизки, ушбу ташриф нафақат Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш, балки уларнинг иқтисодий ҳамкорлигини юксалтириш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятли бўлди».

Журналда чоп этилган «Ўзбекистон ўзи танлаган модел асосида кенг кўламли ислоҳотларни изчил олиб бормоқда» сарлавҳали мақолада юртимизда мустақилликнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган изчил ислоҳотлар хусусида сўз боради. Халқаро Валюта Жамғармаси баҳосига кўра, мамлакат ўтган йиллар давомида макроиқтисодий тараққиёт борасида диққат-эътиборга молик натижаларни қўлга киритди: ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишига эришилди, экспортнинг ошиши эса олтин-валюта захираларининг кўпайиши ҳамда тўлов баланси барқарорлигини таъминлади.

«Diplomacy» журналида юртимизга бағишлаб эълон қилинган сўнгги мақола «Ўзбекистонда демократик ва бозор ислоҳотлари давом этмоқда» деб номланган. «2008 йилда ҳам Ўзбекистон жамияти ҳаётида янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларни янада ривожлантириш давом эттирилмоқда. Шунингдек, жорий йил аҳоли турмушини янада фаровонлаштириш бўйича муҳим ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида ҳам самарали йил бўлаётир.

2008 йилнинг 26 февралида ўтказилган Ўзбекистон — Жанубий Корея саммити ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган икки давлат ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

«Ўзбекистон ва Жанубий Корея стратегик шериклардир. Ҳар икки мамлакат ҳам ушбу мустаҳкам асосга таяниб, ҳамкорликни кенгайтиришда давом этмоқда», дея зикр этилади мақола якунида.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

партиялар фракцияларининг вакиллари иштирокида моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

"Ветеринария тўғрисида"ги ва "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг аъзоси Қ. Иброҳимов тақдим этди. Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси батафсил кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси С. Маҳмудовнинг маърузаси бўйича депутатлар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар бозор муносабатлари шароитида акциядорларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар ва қонун лойиҳасининг бир қатор нормаларини янада аниқ таърифлашга қаратилган таклифлар киритдилар. Ушбу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ш. Каримов "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида депутатлар фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида техник тартибга солишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини аниқ белгилаш ҳамда бу соҳада ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар. Депутатлар томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикасиниинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар кун тартибига киритилган бошқа масалаларнинг муҳокамасини кейинги ҳафтада давом эттирадилар.

**(ЎзА).**

***Мен оддий деҳқон фарзандиман. Шу заминда ўсиб-улғайдим, ризқимни даладан топдим. Менга ҳам кўплар қатори истиқлол шарофати туфайли ёруғ кунлар насиб этди: ерли бўлдим! Ҳозир 80 гектар экин майдонининг, «Зарафшон» деб аталмиш фермер хўжалигининг соҳибиман. Ҳар гал йил якунига кўра, миллионлаб сўм пул санайман.***

# ШАРОИТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ БОР

**Дил сўзи**

Масалан, бултур 40 гектар ерга чигит экиб, шартнома режасини 106 фоизга уддалаб, 37 млн. сўмдан кўпроқ даромад олдик. 40 гектар майдондаги ғалла бўйича эса шартномавий режамизни 210,7 фоизга бажариб, бундан ҳам 31 млн. 360 минг сўмлик даромад қилдик. Жорий йилда ҳосилимиз бундан-да мўл, даромадимиз бундан-да кўп бўлади, деб ўйлайман.

Ҳа, мен миллионер деҳқонман. Бу миллионларни менга мустақиллик, мустақил ватанимизни оқилона бошқараётган Президентимиз берди.

Деҳқон учун бугунгидай имконият, бугунгидай шарт-шароит ҳеч қачон бўлган эмас. Нафақат деҳқон, балки барча соҳа кишиларининг ҳам яратиб берилган шароит ва қулайликларни тан олмасликларининг иложи йўқ. Афсуски, тан олмовчилар, яратилган имконият ва қулайликлардан эл, юрт эмас, ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчилар ҳамон бор экан. Бундайлар ҳақида Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида алоҳида таъкидладилар. Юрт ғамини ўйламаганларга қарата «Ҳой, инсон, сенга тағин нима керак, шу эл учун жонингни фидо қилсанг, ўзингни кўрсатсанг бўлмайдими?!», деб ҳайқиргим келди.

Майли, бундайларга карвонимизда ўрин йўқ! Бир кунмас бир кун сафимиздан тушиб қолаверади. Карвонимиз эса кўзлаган манзилига, албатта, етиб боради.

Сессияда жомбойлик тадбиркор Камолиддин Маҳмудов ҳаммамизнинг дилимиздаги бир гапни айтди. Яъни, Президентимиз «Сизларга яна нима ва қандай шароитлар керак?» деб сўраганларида у ҳамма нарсамиз бўла туриб, яна нимадир сўраш оғир, деб жавоб берди.

Мен ушбу жавобни янада ойдинлаштирмоқчиман: сўраш нафақат оғир, балки шарт ҳам эмас. Ахир, яна нимани сўраш мумкин? Сўрайдиган нарсаларимизнинг барчасини муҳайё қилиб қўйишибди-ку! Биздан эса кўрсатилаётган шу ғамхўрликларга, шу эътиборга муносиб бўлиш, элим деб, юртим деб яшаш ва ишлаш талаб этилади, холос!

**Элмўмин РАҲМОНОВ,**
**Пастдарғом туманидаги «Зарафшон» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ЗАМОНАВИЙ, СИФАТЛИ, ИШОНЧЛИ

## пойтахтимизда бўлиб ўтган тиббиёт кўргазмалари маҳсулотлари ана шундай эътирофга сазовор бўлди



**Тиббиёт**

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт воситалари ва ускуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Унда тиббий буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи кўплаб маҳаллий корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ўз навбатида, кўргазма ўзаро олди-сотди шартномаларини тузиш имконини ҳам берди. Масалан, "OSIYO PROTEZI" МЧЖ намойишнинг илк иш кунидаёқ, 80 миллион сўмлик шартнома имзолаган бўлса, пойтахтда фаолият кўрсатаётган "Супромед" хусусий корхонаси 100 миллион сўмлик маҳсулот сотишга эришди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тиббий буюмлар ва дори-дармонлар ўзимизда ишлаб чиқарилиб, бозорларимиз сифатли, ишончли ва кафолатли маҳсулотлар билан тўлдирилаётганлиги ва бунинг мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётгани тизимда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Тиббиёт соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган яна бир фармацевтика кўргазмасида ҳам эътироф этилди.

Тадбирнинг «Le Grant Plaza» меҳмонхонасида бўлиб ўтган очилиш маросимида таъкидланганидек, бундан 10-15 йил муқаддам биз учун янгилик ҳисобланган фармацевтика саноати соҳаси бугун такомиллашиб, кутилган натижаларни бераётир. Айни пайтда юртимизда фаолият юритаётган 80 дан ортиқ корхона ва муассаса дори воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида улар томонидан 78,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шундан қиймати 17 миллион АҚШ долларидан зиёдга тенг маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда эса ишлаб чиқариш ҳажми 97 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилаяпти. Ушбу мақсадга эришиш йўлида фармацевтика корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ҳар икки намойиш ҳам тармоқ корхоналари ва даволаш муассасалари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ҳамда шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш имконини берди, дейиш мумкин. Бу, шубҳасиз, эл саломатлигини асраш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Суратда: кўргазмадан лавҳа.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Республикаси молия вазири Янош Вереш 17 апрель куни қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.***

# ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашувда мамлакатимиз билан Венгрия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланиб, ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи барқарор ошиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 32,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда венгриялик сармоядорлар билан ҳамкорликда қатор қўшма корхоналар ташкил қилинган, Венгриянинг бир неча фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар озиқ-овқат саноати, коммунал хўжалик учун ускуна ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Венгриянинг бизнес ва молия доиралари ўртасидаги шериклик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Венгриялик тадбиркорлар иштирокида Ўзбекистон-Венгрия бизнес-форуми ҳамда кооперацион биржа бўлиб ўтди. Бизнес-форумда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди, ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистон ва Венгриядаги сармоявий муҳит, ҳамкорлик учун яратилган шароит билан яқиндан танишдилар. Кооперацион биржада эса икки мамлакатнинг сармоядорлари, фирма ва компаниялари муайян соҳаларда шериклик алоқаларини ўрнатиш юзасидан музокара ўтказдилар. Айниқса, Венгрия инвестициялар ва савдони ривожлантириш агентлиги (инвестиция), "Трейдинг комплекс" (полиз маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари, полиз ва мева-чева консервантлари ишлаб чиқариш), "Чабаметал" (автобуссозлик) каби компаниялар Ўзбекистон бозоридан жой олиш ва кенгайтиришга катта қизиқиш билдирмоқда.

**(ЎзА).**

Қирқиш чизиғи

қаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

**3-боб. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш**

**9-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар**

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган муассасалар деб юритилади) ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

**10-модда. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш**

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6

Буклаш чизиғи

ликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

**одам савдоси билан шуғулланувчи шахс** — мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

**4-модда. Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари**

Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

қонунийлик;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;

одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

ижтимоий ҳамкорлик.

**2-боб. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш**

**5-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари**

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

**6-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар**

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) тузилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳ-

3

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**одам савдосига қарши курашиш** — одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият;

**одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қул-

2

Буклаш чизиғи

**11-модда. Одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш**

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан бехабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

**12-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради.

Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослантирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хавфсизлик чоралари қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

одам савдосидан жабрланган қайси шахсларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган бўлса, шу шахслар билан алоқани уларнинг мажбурловисиз тиклаган бўлса;

шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳам-

7



«Хоразмавтотеххизмат»:

# СЕРВИС ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

***Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида эришилган натижалар ҳақида гап кетганда, «Хоразмавтотеххизмат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тилга олинади. Маълумки, бугунги кунда хорижликларда ҳам, ватандошларимизда ҳам юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий «Матиз», «Нексия», «Ласетти», «Дамас» автомобилларини харид қилиб, уларнинг эгасига айланиш истаги тобора ортиб бормоқда.***

Бунда хоразмликларга ана шу корхона жамоаси ёрдам бераётир. Бултурнинг ўзида вилоятда корхона томонидан «ЎзДЭУавто»нинг 30 млрд. 259 млн. сўмликдан ортиқ 2497 дона автомашинаси савдоси амалга оширилгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, бу жамоа мавжуд автомобилларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ишларини ҳам бажариб келмоқда. Ўтган йили, масалан, 189.1 млн. сўмлик ана шундай юмушлар уддаланди. Бошқача қилиб айтганда, йил давомида 9728 та автомобилга техник хизмат кўрсатилди. Бундай кўрсаткичга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун корхонанинг 9 та бўлимида 54 нафар уста-чилангар тер тўкиб меҳнат қилаяпти. Уларнинг 7 нафари Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорациясида ўқиб, малака ошириб келган. Эндиликда улар шогирдлар ҳам тайёрлашаяпти.

Корхонада, шунингдек, эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи 2 та дўкон ишлаб турибди. Бу мижозларга янада қулайлик туғдирмоқда. Натижада ўтган йили автомобиль эгаларига 90 млн. сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар сотилди.

Жамоа аҳли Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини жойларда ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, шу йилнинг бошида Гурлан туманида корхона таъсисчилигида «Гурланавтотехсервис» корхонаси барпо этилди. Бу корхона эндиликда вилоятнинг чекка туманлари ҳисобланган Гурлан, Янгибозор, Шовотда замон талаблари даражасида автомобилларга сервис хизмати кўрсатаяпти. Гап шундаки, корхонанинг эски биносини таъмирлашга 200 млн. сўм сарфланиб, 50 минг АҚШ долларилик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Пировардида қишлоқ ёшларидан 25 нафари ишга жойлашди. Ҳозирда бу ерда кунига 25-30 та автомашина жорий таъмирланмоқда.

**Интилиш**

Яқинда корхона қошида «Тюнинг маркази» ишга туширилгани, айниқса, қувончли воқеа бўлди. Бунинг натижасида 10 та янги иш ўрни ташкил этилди. Муҳими, корхонада иш унумдорлиги янада ортди. Янги хизмат турлари жорий қилинди. Автомобилларга газ баллони ускуналари ўрнатиш цехи, 2 та кўчма устахона ҳам очилди.

— Жамоамиз ўтган йили 330 млн. сўмдан ортиқ соф фойдани қўлга киритди, — дейди «Хоразмавтотеххизмат» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Бектемир Авазниёзов. — Бу маблағнинг маълум қисми ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, иш кўламини кенгайтириб, мижозларга қулайлик яратиш, ободонлаштириш, ҳомийлик, хайр-саховат мақсадларига йўналтирилди. Бу йил эса аҳолига 205 млн. сўмлик хизмат кўрсатишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Дарҳақиқат, корхона аҳли мижозлар талабларидан келиб чиқиб, автомобиллар сотиш ҳажмини, сервис хизмати салмоғи ва сифатини ошириш, хизмат турларини янада кўпайтириш, кўпроқ эҳтиёт қисмлар савдосини йўлга қўйиш ниятида самарали меҳнат қилаяпти. Ўтган қисқа вақт мобайнида аҳолига 51 млн. 400 минг сўмлик умумий хизмат кўрсатилгани, 8 млрд. 16 млн. сўмлик 646 дона автомашина савдоси амалга оширилгани бунга мисол бўла олади. Келгусида эса бу ютуқлар янада мустаҳкамланади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ, ЭҲТИРОМ

***Шеробод туманидаги Акмал Икромов номидаги маҳаллада бунёд этилган замонавий мактаб биноси қишлоқ кўркига янада кўрк бағишлади. Ўқув маскани янги парталар, мебеллар, стол-стуллар ва зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Янги мактабнинг синф хоналарида бўлган киши бу ердаги шарт-шароитдан лол қолиши, шубҳасиз.***

— Илгари замонавий мактаблар фақат шаҳар марказларида барпо этиларди, — дейди 66-мактаб директори Мамарайим Бойқулов. — Умримнинг асосий қисми мактабда кечди. Лекин мактаб таълимига ҳозиргидай эътиборни, ғамхўрликни кўрмаганман. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар қатори биз, кексалар ҳам бундай эътибордан ниҳоятда мамнунмиз.

Дарҳақиқат, замонавий кўринишга эга бўлган бу даргоҳда сабоқ олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кимё ва физика кабинетларида лаборатория машғулотларини ўтказишда зарур қулайликлар мавжуд. Мактаб жамоаси ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, ўз Ватанидан фахрланиш руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратган.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»га биноан бундан икки йил муқаддам Акмал Икромов номидаги маҳаллада 541 миллион сўм маблағ ҳисобига 315 ўринли замонавий мактаб қурилган бўлса, ўтган йили Даҳа қишлоғида ҳам шундай ўқув маскани қад ростлади. Шунингдек, 42-мактабда ҳам қўшимча икки қаватли бино, спорт мажмуаси қурилиб, 640 нафар ўқувчининг ихтиёрига топширилди. Ҳозир ана шу мактаблар ҳам замонавий мебеллар билан таъминланган.

2007 йилда 14 та мактабда тубдан қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, жорий йилда яна 15 та мактабда бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Умуман, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»га кўра, тумандаги мавжуд 67 та умумтаълим мактаби деярли тубдан қайта таъмирланди. Замон талаблари асосида қурилаётган ва қайта бунёд этилаётган бундай мактабларда ўқиш, сабоқ олиш ёшларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларини оширмоқда.

**Таълим**

Маълумки, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида халқ таълимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, амалга ошириладиган ишлар 5 та йўналиш бўйича белгиланган. Улардан бири мактабларни замонавий мебеллар билан таъминлаш баробарида, фан кабинетлари ва лаборатория хоналарини жиҳозлаш, компьютерлар ҳамда спорт анжомларини келтиришга қаратилган. Бу борада ҳам анча ишлар қилинди. Айниқса, таълим жараёнига компьютер технологияларининг кенг жорий этилиши юксак муваффақиятларга асос бўлмоқда. Чунончи, ўқувчиларнинг компьютер техникасидан фойдаланиш кўникмаси ортиб, билимида ижобий натижалар кўзга ташланмоқда.

— Дарсни маъруза асосида ўтиш билан компьютерда ўтиш орасида катта фарқ бор, — дейди 31-мактабнинг география фани ўқитувчиси Мухтор Пардаев. — Масалан, 5-синфларга «Дунё океанлари» мавзуси ўтилади. Унда айсбергларнинг кўчиши, ҳаракатланиши ҳақида қанча гапирманг, ўқувчи ўз кўзи билан кўрганчалик тасаввур ҳосил қила олмайди. Компьютер орқали жараённи кузатган ўқувчи эса ушбу ҳолатни сира ёддан чиқармайди.



**Маҳмуджон МАМАРАЙИМОВ олган сурат.**

Дастурда кўзда тутилганидек, ўқитувчиларнинг ойлик маошларини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда қабул қилинган ҳукумат қарорларига мувофиқ, 67 та умумтаълим мактабида соҳа вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналардан иборат махсус комиссия тузилган бўлиб, улар педагогларнинг касб маҳорати, тарбиявий ва синфдан ташқари ишларда иштирок этишини қатъий назорат қилиб боришади. Биргина 2-мактабнинг 32 нафар, 66-мактабнинг эса 23 нафар ўқитувчисига комиссия хулосасига биноан, устама ҳақ тўланмоқда. Шунингдек, ҳар бир мактабда ташкил этилган «Директор жамғармаси» томонидан ҳам ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Туман халқ таълимида ёш авлодни жисмонан баркамол, етук инсон қилиб вояга етказиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2, 42-умумтаълим мактабларида спорт залларини қайта барпо этиш учун 150 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. 66-мактабда эса қарийб юз миллион сўм маблағ ҳисобига янги спорт зали қурилди. Шу билан бир қаторда, ўқув масканлари бюджет маблағлари ва ҳомийлар кўмагида зарур анжомлар билан таъминланмоқда. Бундай эътибор боис, 2-мактаб ўқувчиси Комил Эшалиев спортнинг кикбоксинг тури бўйича ўз вазнида жаҳон чемпиони бўлди.

— Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар кўнглимизни тоғдай кўтармоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Азимов. — Энг муҳими, давлат томонидан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, амалга оширилаётган кенг кўламдаги бундай хайрли ишларда ҳомийлар кўмаги, айниқса, салмоқли бўлмоқда. Жумладан, «Ҳасан Шайман Полвон» ҳамда «Абдували БАХ» фермер хўжаликлари мактабларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Умуман, Шеробод туманида ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун 3451 нафар фидойи ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Албатта, яхши муаллим, жонкуяр мураббий ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларга эътибор, малака ва тажрибаларни мунтазам оширишларига шароит яратиш зарур. Шу маънода, Термиз ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Малака оширишнинг ўқитувчилар билан қулай, қисқа муддатли ҳамда сайёр усулларидан фойдаланилаётганлиги, етишмаётган мутахассисларни шартнома асосида тайёрлаш тизимда ижобий бурилиш ясамоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги турдаги таълим муассасалари битирувчиларининг 80 фоизи ўтган йили олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Ҳа, бу ютуқларнинг бари истиқлол берган беқиёс имкониятлар самарасидир. Шунинг учун ҳам ёш авлоднинг пухта билим олиши учун кўрсатилаётган бундай эътибор, устоз-мураббийларга қаратилаётган эҳтиром халқимиз томонидан мамнуният ила эътироф этилмоқда.

**Абди КОДИРОВ.**

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А





предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

- максимальная грузоподъёмность 8т
- максимальная длина стрелы – 30м (с кареткой)
- максимальная высота подъёма гор. – 41,5м, наклонно – 57,5м

АВТОКРАНЫ:





для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 14 т
- максимальная высота подъёма – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 16 т
- максимальная высота подъёма – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 25 т
- максимальная высота подъёма – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

401R/360

# СОХТА ТАДБИРКОРЛИК

## нафақат ғайриқонуний иш, балки фарзандларимиз тарбиясига ҳам кони зиёндир

***Мўъжазгина дўкондан таралаётган тарона Жалил отанинг эътиборини тортди. У дўконга кириб, санъаткорларнинг рангин суратлари туширилган альбомларни кўздан кечираркан, сотувчи йигит ундан кимларнинг қўшиқлари ёқиши хусусида сўради.***

Ота мумтоз қўшиқлар ёзилган дисклардан бир қанчасини танлаб олгач, «Ишқилиб сифати яхшими, панд бермайдими?» деб сўради.

— Бу ердаги аудио-видео кассеталар, лазер дискларининг ҳаммаси ишонарли, доғда қолмайсиз, — дея жавоб қилди сотувчи. — Сабаби, маҳсулотларимизнинг бари махсус лицензияга эга бўлган фирмаларда ёзилган. Ўзимиз ҳам мавжуд тартиб-қоидалар асосида ишлаймиз.

— Маъқул, — кўнгли тўлди Жалил отанинг. — Ишим юришсин, деган одам қитмирлик қилмайди. Қинғирликка қўл уриб, боши ҳам бўлганлар қанча...

— Ота ҳақ гапни айтди, — дейди Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси раҳбари Акмалжон Абдуллаев. — Ҳаётимизга замонавий техника воситалари, айниқса, радиоэлектроника маҳсулотларининг шиддат билан кириб келиши бу борада хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашни талаб этмоқда. Айни дамда кўп сонли шинавандаларнинг кинофильмлар, кўнгилочар ўйинлар, концертлар тасвири туширилган, кўрсатувлар жамланган аудио, видео кассеталарга, лазер дискларига бўлган талаби ҳам тобора ошиб бормоқда. Бироқ, айни шу соҳада ноқонуний йўллар билан пул топишга интилаётганлар учраётгани ачинарлидир. Тўғри, аҳоли зич жойлашган қишлоқларда, туманларнинг марказлари ва шаҳарларда кассеталар, лазер дисклари билан савдо қилувчи дўконлар, шохобчалар кун сайин кўпаймоқда. Лекин уларнинг бир қисми ўз иш фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этмаяпти.

**Назорат**

Масалан, Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳаси, 64-уй, 72-хонадонда истиқомат қилувчи Ойбек Олимжонов ва унинг бир гуруҳ ёш шерикларини олиб кўрайлик. Ойбек Фитрат кўчасидаги 83-уйнинг бир хонасини ижарага олиб, рухсатномасиз, бунинг устига, давлат рўйхатидан ўтмасдан, компьютер ўйинхонасини ташкил этган. Кейинчалик фильмларни кўпайтириб, бозорга чиқаришга қўл урган. Ҳамтовоғи Беҳзод Аҳмедов билан биргаликда компьютер ҳамда кўпайтириш мосламалари ёрдамида турли жангари фильмлар ёзувини уюштирган. Ҳатто у 704 та DVD, 259 та янги CD диски, 99 та DVD қутисини сотувга тайёрлаган. Бобуржон Одилов, Икром Комилов, Жамшид Холмирзаев, Акром Исматов сингари кассетафурушлар ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз ноқонуний равишда фаолият кўрсатиб келган. Текширув асносида жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида 13 та ҳолат бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқлангани шундан далолат беради. Пировардида улардан умумий қиймати 1649,7 минг сўмлик 2605 дона лазер диски далилий ашё сифатида олиниб, тегишли материаллар чора кўришлик учун судларга юборилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бизга мутлақо ёт бўлган фильмлар қаерларда кўпайтирилмоқда, улар қаерларда сотилмоқда?

— Қаерда бўларди, уйларда-да, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар бошқармасининг масъул ходими Баҳодиржон Абдумўминов куюнчаклик билан. — Айрим ота-оналар ўз фарзандининг нима билан машғул бўлаётгани ва қандай ишларга қўл ураётгани билан қизиқмаётганларига нима дейсиз? Маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ўзлари билан ёнма-ён яшаётган ўсмирнинг қилмишларини кўриб туриб, кўрмасликка олаяпти. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ахлоқ-одобимиз, урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларимиз ўғил-қизларимизнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган иллатларга қарши курашиб, уларга барҳам беришга ҳар биримиз масъул эканимизни унутишга ҳаққимиз йўқ, ахир.

Ўтган йили солиқ ходимлари томонидан ўтказилган қисқа муддатли текширишлар ва рейдлар давомида вилоят бўйича аудио-видео тасмалар, дисклар билан ноқонуний савдо ташкил этилган 202 та ҳолат аниқланди. 24532,3 минг сўмлик ашё олиб қўйилиб, мусодара этилди. Кўриниб турибдики, қинғир ишларнинг пайини қирқишга қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлигини янада кучайтиришимиз керак.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Эзгулик**

# Кўчат экдик, боғ бўлади

***Жиззах вилоятидаги боғлар майдони 7731 гектардан ошди. Унинг 158 гектари бу йил барпо этилди.***

Биргина Бахмал туманида жорий йилда 79 гектар ерга мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шу билан бирга, 262 гектарни ташкил этувчи эски боғлар орасига 69 минг туп олма, ўрик, шафтоли кўчатлари экилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"ВАЗ-ЛАДА" АВТОСАЛОНИДА

СИЗНИ РОССИЯНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ АВТОМОБИЛЛАРИ КУТМОҚДА

Маҳсулот сертификатланган



ВАЗ-2107
Двигатель инжектор
Кафолат муддати — 2 йил
(30.000 км)

ЛАДА-КАЛИНА
Двигатель инжектор
Кафолат муддати — 3 йил
(50.000 км)

ВАЗ-21041
Двигатель инжектор
Кафолат муддати — 1 йил
(20.000 км)

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 299-уй.

Тел.: 300-59-44, 266-59-44, 266-59-45.

Бухоро томонларда

# ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

***Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг 3-босқич талабаси Галина Шинкоренконинг ўқув шартномаси бўйича пули институт бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг кўмагида ҳомийлар томонидан тўлаб берилди.***

— Гап шундаки, Галина каби «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланган Таваккал Аҳмедов, Миркамол Негматов, шунингдек, I-гуруҳ ногирони Бурҳон Насриевга ўқув шартномаси бўйича ёрдам беришни сўраб вилоятдаги корхона ва ташкилотларга мурожаат этгандик, — дейди шу қўмита раиси Ш. Очилов. — Қарангки, меҳр-мурувват, саховатпешаликни ўзига шиор қилиб олган меҳнат жамоалари кўп экан. «GM Uzbekistan автосалон»и, «Миркулол» хусусий қурилиш трести, «Бухоротелеком» филиали ва бошқа жамоалар кўмаги билан эҳтиёжманд талабалар қўлига шартнома тўлов-топшириқномалари тантанали тарзда топширилди. Бу улар учун Ёшлар йилида ажойиб совға бўлди.

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

***Когон шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказди.***

Когон педагогика коллежида уюштирилган мазкур тадбирда 25 та корхона ва ташкилот 155 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Шу куни 98 нафар фуқаро ўзига мос иш сўраб ярмарка ташкилотчиларига мурожаат қилди. Уларнинг 48 нафари ишга жойлашди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***2008 йил 11 апрелда республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"и молиявий ҳолати ҳамда қисқа ва узоқ муддатли депозитлари бўйича "MOODY'S Investors Service" халқаро рейтинг компаниясининг "B3/NP/E+" – "Барқарор" халқаро рейтингини қўлга киритди. Бу унинг молия бозоридаги хизматларига берилган юксак баҳодир.***



«Ғаллабанк»:

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ — РИВОЖЛАНИШГА КАФОЛАТ

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, хусусан, инвестиция жараёнларини янада фаоллаштириш, хўжалик субъектларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни замонавий банк технологиялари асосида мувофиқлаштиришда молия институтларининг ўзига хос ўрни бор. РАТБ "Ғаллабанк"и томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган тадбирлар натижасида унинг юртимиз молия бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса акциядорлар ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолиятига бўлган ишончини тобора оширмоқда.

2008 йилнинг 1 апрелига қадар мижозлар сони 78 мингдан ошиб кетгани, уларга банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари, 85 та мини банки, 169 та жамғарма шохобчаси орқали замонавий банк хизматлари кўрсатилаётгани шундан далолат беради.

### Капитал кўпайиб, активлар ўсмоқда

Сир эмас, банклар фаолиятининг барқарор ривожланиши бевосита уларнинг капиталлашув даражасига боғлиқ. Мамлакатимизда банклар капиталининг доимий ўсиб боришини таъминлашга қаратилган барча шарт-шароитлар яратилган. Бундай имкониятдан самарали фойдаланилаётгани туфайли «Ғаллабанк»нинг умумий капитали ҳажми, 2008 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 36,6 миллиард сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан қарийб 14,2 миллиард сўм кўп ёки 63,0 фоиз ўсишга эришилди, дегани.

Айни пайтда банк устав капиталининг умумий ҳажмини янги акцияларни муомалага чиқариш орқали 38,0 миллиард сўмга етказиш мақсадида изланишлар олиб борилаяпти. Бунинг учун фонд бозорига 24,0 миллиард сўмлик банк акциялари қўйилди.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини унинг соф активлари кундан-кунга кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, 2008 йил 1 апрелига келиб, банкнинг умумий соф активлари миқдори 135,7 миллиард сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 19,0 фоиз ўсди. Ўз навбатида, бу хизматлар кўламини кенгайтириш, кредитлар миқдорини оширишда бош омил бўлди. Пировардида жорий йилнинг январь-март ойлари давомида иқтисодиётнинг турли тармоқларига 21,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур рақам ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга қараганда қарийб 49,0 фоиз кўпдир. Эътиборли жиҳати шундаки, банк маълум тармоқ лойиҳаларини молиялаштириш билан чегараланиб қолгани йўқ. Аксинча, иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб олишга интилмоқда. Биринчи чорак якуни мисолида айтганда, бунга эришилаяпти ҳам. Яъни, жами кредит қўйилмаларининг 34,4 миллиард сўми (30,4 фоизи) саноат ва қайта ишлаш соҳасига, 40,1 миллиард сўми (35,4 фоизи) қишлоқ хўжалигига йўналтирилган бўлса, 38,8 миллиард сўми (34,2 фоизи) транспорт, қурилиш, қайта ишлаш, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида, шунингдек, банк жамоаси республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари, замонавий маиший хизмат ускуналари ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга мўлжалланган янги дастгоҳларни лизинг асосида мижозларга етказиб беришга ҳам эътибор қаратди. Натижада шу вақт ичида 3,4 миллиард сўм миқдоридаги маблағ лизинг амалиётларига йўналтирилди.

Дастлабки чорак давомида ёш оилаларга молиявий мадад бериш масаласи ҳам банкнинг диққат марказида турди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлди. Мазкур Фармон ижроси бўйича январь-март ойларида 159 та ёш оилага 1,0 миллиард сўмдан ортиқ ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Пировардида бундай имтиёздан фойдаланган кўплаб янги оилалар уй-жой харид қилиб, рўзғорлари учун зарур жиҳозлар сотиб олишди.





### Инвестициянинг ҳаётбахш кучи

Инвестиция – корхоналар учун қудратбахш куч. Негаки, сармоя жалб этмасдан туриб, ишлаб чиқариш субъектларини замонавийлаштириш, меҳнат сарфини камайтириб, даромадни кўпайтиришнинг иложи йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 июлдаги "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжат ижроси бўйича банк томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, у "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарни модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этди. Буни шу йилнинг биринчи чораги давомида 11,0 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратилиб, уларнинг қолдиғи 50,3 миллиардни ташкил этгани бу борада 13,6 фоиз ўсишга эришилгани ҳам тасдиқлаб турибди. Натижада "Қоракўлдонмаҳсулотлари" ОАЖда бир кеча-кундузда 70 тонна, "Жиззахдонмаҳсулотлари" ОАЖда эса 120 тонна буғдойни қайта ишлашга мўлжалланган тегирмон ускуналари ўрнатилди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш, фермер хўжаликлари фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам банкнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари, жумладан, фермер хўжаликлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, муқобил машина-трактор паркларининг янги техника ва технологияларни, эҳтиёт қисмлар сотиб олишга қаратилган лойиҳалари узлуксиз молиялаштирилмоқда. Уларнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида қондирилмоқда. Бу эса банкнинг ушбу тармоқдаги мижозлари сафи тобора кенгайишига олиб келаяпти.

Унинг жойлардаги тузилмалари хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликлари сони 10 мингдан ошгани, бу субъектларнинг асосий қисми пахтачилик ва ғаллачилик, салкам 300 таси сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланаётгани бунинг далилидир. Банк томонидан 2008 йилда пахта ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадларига Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 17,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Аниқроғи, унинг 11,2 миллиард сўми пахта, қолган қисми эса ғалла ҳосили етиштиришга йўналтирилди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кундалик ишлаб чиқариш фаолиятлари билан боғлиқ бир қатор лойиҳаларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳам кредитлар берилмоқда. Қишлоқ мулкдорларининг аксарияти ана шу узоқ муддатли кредитларга техника ва эҳтиёт қисмлар харид қилишяпти. Жорий йилнинг январь-март ойларида банкнинг қарийб 3,1 миллиард сўмлик кредитлари эвазига кўплаб фермерлар янги техника воситалари сотиб олдилар.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришга йирик хорижий молия институтларининг кредит линиялари ҳам жалб этилаётир. Чунончи, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг "Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасидаги кредит линиясидан самарали фойдаланиш имкониятлари кўрилмоқда. Бугунги кунда банк мазкур молия институтининг 1,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясидан фойдаланаётгани ҳолда, жорий йил давомида ХТТБнинг қўшимча тарзда 2,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги янги кредит линиясини жалб этиш чораларини кўрмоқда.

### Кредитлар – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка

Банк филиалларининг кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга ажратаётган кредитлари нафақат уларнинг ривожланишига, балки фаолиятини кенгайтириш ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Масалан, 2008 йилнинг ўтган даврида барча манбалар ҳисобига йўналтирилган кредитлар ҳажми 7,5 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада 738 та янги иш ўрни очилди.

Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ўз самарасини бераяпти. Эътиборлиси, ушбу ҳужжатда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиб, чорва парвариши билан банд бўлганларга меҳнат дафтарчаси очилаяпти. "Ғаллабанк"нинг молиявий мадади туфайли эса, ҳар йили юзлаб юртдошларимиз чорвачиликни йўлга қўйиш эвазига ишли бўлишяпти. Шу мақсадларга банк томонидан жами 292,0 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилганини айтиб ўтиш кифоя.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида ҳам банк томонидан юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган даврда тизимда ўз ҳисоб рақамларини очган 87 нафар тадбиркор аёл томонидан тайёрланган 1,2 миллиард сўмликдан ортиқ миқдордаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар ажратилди. Шу тариқа банк мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга, демакки, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

### Чакана хизматлар доираси кенгаймоқда

Аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга кўпроқ жалб этиш, табиийки, банк ресурс базасини янада мустаҳкамлайди. Шунинг учун «Ғаллабанк» жисмоний шахсларга мунтазам равишда юқори даромадли, янги омонат турлари таклиф этмоқда. 2008 йил 1 апрель ҳолатига кўра, муддатли ва жамғарма омонат турлари 20 дан ошди. "Қалдирғоч", "Навбаҳор", "Беғубор", "Маржон", "Барҳаёт", "Диёр" муддатли омонатлари шулар жумласидандир. Шу даврда омонатлар қолдиғи эса 13,9 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 11,0 фоизга ўсди.

Банкнинг хизмат турларидан яна бири тўловлар ва бошқа ҳисоб-китобларни нақд пулсиз, яъни пластик карточкалар орқали амалга оширишдир. Ушбу хизмат тури мижозларга ҳар томонлама қулайлиги билан кейинги пайтларда тобора оммалашиб бораяпти. Айтайлик, бугунга келиб, банк мижозлари ўртасида 80100 дона пластик карточка жойлаштирилиб, уларга 2,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар жалб этилди. Ўз навбатида, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 750 та терминал ўрнатилиб, улар орқали амалга оширилган жами маблағлар айланмаси 6,1 миллиард сўмга етди.

Президентимизнинг шу йил 20 февралда имзолаган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, айниқса, фуқароларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳолига бир қатор имтиёзлар берилган бу Фармон ижроси бўйича банк томонидан махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари жонлантирилаётгани эса ҳозирданоқ ўз мевасини бермоқда.



"Ғаллабанк"нинг мамлакатимиз молия бозоридаги изчил фаолияти унинг тижорат банклари ўртасидаги ўз ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, хизматлар доирасини кенгайтиришига замин яратмоқда. Бу эса нафақат республикамизда, балки халқаро миқёсда эътироф этилаяпти. "MOODY'S Investors Service" халқаро рейтинг компаниясининг баҳоси бунга яққол мисол бўла олади.

Ушбу баҳо банк жамоасининг келгусида ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, юртимиз ва хорижда нуфузини ошириш, янги хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, капиталлашув даражасини, активлари таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, бошқарув механизмларини, айниқса, банк фаолияти ва унинг асосий амалиётлари билан боғлиқ хавф-хатарларни замонавий воситалар асосида бошқариш масалаларида янада юқори кўрсаткичларга эришишга ундамоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭРКИН ЁЛЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА КОРЕЙС ТИЛИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ*

ўртасида тузилган «Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги меморандумга мувофиқ, корейс тили бўйича тест синови қуйидагича ташкил этилади:

Корея Республикасида ишлаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари корейс тили бўйича тестда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги талабнома тақдим этишлари лозим. Тестдан муваффақиятли ўтганларгина эркин ёллаш тизими бўйича ишлаш учун ҳужжат топширишлари мумкин.

Корейс тили бўйича тест синовлари Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ваколат берган Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан ўтказилади.

- **Тест ўтказиладиган сана — 2008 йил 24-25 май кунлари соат 9.30 дан 11.40 гача.**

Номзодлар тест ўтказиладиган хоналарга соат 9.30 гача етиб келишлари талаб этилади.
Номзодга соат 9.30 дан 10.30 гача тест жараёни тўғрисида ахборот берилади.
Тест соат 10.30 дан 11.40 гача бўлиб ўтади.

- **Тест синови натижаси бўйича танлаб олинадиган номзодлар сони ва тест синовидан ўтиш шартлари:**

Тест синови натижалари бўйича **80 балл ва ундан** юқори кўрсаткичга эга бўлган **5000 нафар киши** танлаб олинади.

Агар тест синови натижалари бўйича 80 баллдан юқори кўрсаткичга эга бўлган номзодлар 5000 нафардан ортиқ бўлса, у ҳолда энг юқори баллга эга бўлган номзодлар танловдан ўтган саналади.

- **Тест ўтказиладиган жой — Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарлари.**
- **Эркин ёллаш тизими бўйича корейс тилидан тест синовида қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

*- ёши 18 дан 39 ёшгача (1969 йил 26 майдан 1990 йил 25 майгача бўлган даврда туғилган фуқаролар);*
*- жисмонан соғлом;*
*- илгари жиноий жавобгарликка тортилмаган;*
*- Корея Республикасидан депортация қилинмаган ёки мажбурий равишда чиқариб юборилмаган;*
*- Ўзбекистон Республикасидан хорижга чиқиши чегараланмаган.*

- **Рўйхатга олиш жараёни:**

*Рўйхатга олиш муддати — вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.*
*Рўйхатга олиш вақти — соат 9.00 дан 17.00 гача (танаффус вақти — соат 13.00 дан 14.00 гача).*

*Фуқароларни рўйхатга олиш фуқаролик паспортида қайд этилган тураржойи бўйича ҳамда вилоятларни рўйхатга олиш жадвали асосида белгиланган кунда амалга оширилади.*

**Вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвали**

| Вилоятлар | Рўйхатга олиш куни | Рўйхатга олиш жойи | Манзил |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2008 йил 2 май | Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 64-уй |
| Андижон вилояти | 2008 йил 29 апрель | Андижон вилояти ўқувчилар саройи | Андижон шаҳри, Амир Умархон кўчаси |
| Бухоро вилояти | 2008 йил 1 май | Бухоро тумани Бандликка кўмаклашиш маркази | Бухоро вилояти, Галаосиё шаҳри, Бухоро шоҳкўчаси, 12-уй |
| Жиззах вилояти | 2008 йил 1 май | Жиззах шаҳар саноат-транспорт коллежи | Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 259-уй |
| Қашқадарё вилояти | 2008 йил 30 апрель | Қарши шаҳар «Динамо» ўйингоҳи | Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 100-уй |
| Навоий вилояти | 2008 йил 2 май | Навоий вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси | Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 43-уй |
| Наманган вилояти | 2008 йил 29 апрель | Наманган шаҳридаги «Ёшлар» спорт мажмуаси | Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси |
| Самарқанд вилояти | 2008 йил 29 апрель | Самарқанд вилояти Ногиронларни реабилитация қилиш маркази | Самарқанд шаҳри, Хўжа Аҳрор Вали кўчаси, 28-уй |
| Сирдарё вилояти | 2008 йил 1 май | Сирдарё шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуаси | Гулистон шаҳри, Носир Маҳмудов кўчаси, 15-уй |
| Сурхондарё вилояти | 2008 йил 2 май | Термиз шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази | Термиз шаҳри, Ухабова кўчаси, 2-уй |
| Тошкент вилояти | 2008 йил 29 апрель | Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси | Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй |
| Хоразм вилояти | 2008 йил 30 апрель | Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи | Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 1-«А» уй |
| Фарғона вилояти | 2008 йил 29 апрель | Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» марказий ўйингоҳи | Фарғона шаҳри, Маҳмуд Қосимов кўчаси |
| Тошкент шаҳри | 2008 йил 30 апрель | Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси | Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй |

**Рўйхатга олиш тартиби:**

Фуқаролар рўйхатга олиш жойларига шахсан келишлари лозим.

Рўйхатга олишдан олдин Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизматининг талаби бўйича корейс тилини билиши даражасини аниқлаш мақсадида номзодлар билан дастлабки суҳбат ўтказилади.

- **Тест синовида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар рўйхатга олиш жойларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

*- тўлдирилган махсус талабнома шакли;*
*- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ва унинг нусхаси;*
*- 3,5 х 4,5 см. ҳажмдаги икки дона рангли фотосурат (охирги 6 ой давомида олинган);*
*- тест тўлови бўйича имзоланган мажбурият;*
*- тўловни амалга оширганлиги ҳақида банк квитанцияси.*

- **Тест учун тўланадиган тўлов**

17 АҚШ доллари миқдоридаги тўловнинг миллий валюта — сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича).

Тестда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига кўрсатилган тўлов пулини рўйхатга олиш жойида тўлашлари лозим.

Номзод тестда қатнашишни рад этса, тўлаган маблағини рўйхатга олиш муддати давомида қайтариб олиши мумкин.

Тест учун тўланган тўлов маблағи ўтказилган тест натижасидан қатъи назар, фуқарога қайтариб берилмайди.

**Тест синови ўтказиладиган жойлар:**

Рўйхатга олинган номзодларга 2008 йил 19 май куни тест синовидан ўтказиладиган жойлар тўғрисида эълон қилинади. Бу бўйича номзодлар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига учрашлари лозим.

- **Тест қисмлари ва зарур томонлари:**

| Тест қисмлари | Саволлар сони | Умумий балл | Ажратилган вақт |
|---|---|---|---|
| Тинглаш қисми | 25 | 100 | 30 дақиқа |
| Ўқиш қисми | 25 | 100 | 40 дақиқа |
| **Жами** | **50** | **200** | **70 дақиқа** |

Тинглаш ва ўқиш топшириқлари ўртасида танаффус берилмайди.

Номзодлар тестдан муваффақиятли ўтишлари учун тестнинг бир қисмидан камида **40 балл** тўплашлари ва умумий тўпланган балл камида **80 балл бўлиши** талаб этилади. Агар номзод тест қисмларининг биридан 40 баллдан кам тўпласа, тестдан ўтмаган ҳисобланади.

- **Тест ўтказиладиган куни номзодлар қуйидагиларга эга бўлишлари лозим:**

*- тестга кириш учун рухсатнома (рухсатнома рўйхатга олинган номзодларга берилади);*
*- фуқаролик паспорти (номзод фуқаролик паспортисиз тест топширишга киритилмайди);*
*- тестни бажариш учун қора шарикли ручка.*

- **Тест натижаларини эълон қилиш**

Сана — **2008 йил 11 июнь.**

**Эълон қилиш тартиби:**

*- Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати веб сайти (www.eps.go.kr);*
*- Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг эълонлар тахтаси;*
*- вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг эълонлар тахтаси.*

- **Бошқа маълумотлар**

Тест натижалари номзодларга тест топширилган кундан кейин 3 ҳафта ичида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан эълон қилинади.

Номзодлар тестга уяли телефон, электрон луғат, МР3 мослама ва бошқа рухсат этилмаган воситаларни олиб киришлари ман этилади.

Тестда бировдан кўчириб ўтирган номзод аниқланса, у тестдан чиқариб юборилади ва 2 йил давомида қайта тестда қатнашиши учун ҳужжатлари қабул қилинмайди.

Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган санаси) паспортдаги маълумотлар билан мос келиши лозим. Акс ҳолда, номзод тестдан ўтган тақдирда ҳам унга Кореяга киришга рухсат этилмайди.

**Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши унинг Корея Республикасига ишга юборилишини кафолатламайди.**

**Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши эркин ёллаш тизими бўйича рўйхатга олиш шартларидан бирини бажарган ҳисобланади.**

**Агар номзод тиббий кўрик натижаси бўйича носоғлом деб топилса ёки у Кореяда ноқонуний бўлганлиги маълум бўлса, у ҳолда номзод Корея Республикасига ишга қабул қилинмайди.**

**Назорат қилиш:**

*- Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги;*
*- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.*

**Ташкиллаштириш** — Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати.

**Ҳамкорлик қилиш** — Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги.

**Эслатма:** хусусий фирмалар ва ўқув муассасалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корея Республикасида ишга жойлаштириш жараёнига аралашишлари тақиқланади. Мазкур ҳолат аниқланган тақдирда бу ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган чоралар кўрилади.

**Қўшимча маълумотлар учун:**

- **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ишонч телефони»: 139-41-12.**
- **Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг «Ишонч телефонлари»: 232-27-88, 252-75-23.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ**

**ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!**

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

**«TTZ-METALL» ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

**корхонада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари ва металлопрокатни таклиф этади.**





**Тошкент шаҳрида жойлашган «TTZ-Metall» қўшма корхонаси турли қишлоқ хўжалик юкларини ташиш учун мўлжалланган тўр (сеткали) ва текис ўрнатма бортли трактор, самосвал тиркамалари, бир ўқли ярим тиркамалар ишлаб чиқаради. Шунингдек, қўшма тиркамалар учун ўрнатма бортлар, осма қуроллар — бортлар («БЗТХ ООО СБ») плуг («ПН-2-30», икки корпусли, «ПН-3.35.000», уч корпусли) тайёрлайди. Арзон нархларда тиркамаларни таъмирлайди ва техник ёрдам кўрсатади.**

**«ТТЗ-80-10» негизида «ЭО-2621 В-3» экскаваторлар (айланма синхрон куракли ва бульдозер ағдаргичли (ағдариш кенглиги — 2000 мм) унча катта бўлмаган, кинематик кавлаш чуқурлиги — 4,15 метр).**

**Сотилиш нархи — 42 800 000 сўм.**

**Қишлоқ хўжалик объектларида юклаш-тушириш, монтаж ва транспорт ишларини бажариш учун мўлжалланган «ТТЗ-80-10» тракторлари шассиси негизида ўқли, гидравлик, осма «ОПТ 9195» махсус монтажли кўтаргичлар.**

**Сотилиш нархи — 41 600 000 сўм.**

**«TTZ-Metall» ҚК буюртмачи эскизи бўйича металл панжара ва ностандарт ускуналарни тайёрлаб беришни таклиф қилади.**

| Материал номи | Баҳоси (минг сўм) |
|---|---|
| Лист 0,5х600х2000 65г | 2600 |
| Лист 1,0х1000х2000 65г | 2350 |
| Лист 1,5х6000х2000 65г | 2350 |
| Двутавр 550х220 | 1400 |

**Нархлар келишилган, иш ҳажмига қараб ўзгартирилиши мумкин.**

Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 434. Тел./факс: 261-38-30, 261-33-41. E-mail: ttz-metall@rambler.ru

**ЕВРООКНА И ДВЕРИ**



- изготавливаются на заказ по немецкой технологии на немецком оборудовании
- из дерева высококачественных хвойных и лиственных пород

Тел.: 775-45-75, 269-15-33, факс 262-39-66, e-mail: toemz1@sarkor.uz

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way



*КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.*

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2008 HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

## *Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

Respublika Mulk - Auksioni
ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

**«Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонаси «5-сон автокорхона» ОАЖ билан ҳамкорликда**

**барча сармоядорларни бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Аукцион савдоси 2008 йил 8 май куни соат 15.00 да Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади.***

***Савдога «5-сон автокорхона» ОАЖнинг Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Барданкўл қишлоғида жойлашган қуйидаги мулклари мажмуа шаклида қўйилади:***

| Т/р | Мулк номи | Техник таснифи |
|---|---|---|
| 1. | Қурилиши тугалланмаган қозонхона биноси (литер 0001) | Узунлиги —24,0 м., кенглиги —12,0 м., майдони —288 кв.м., баландлиги —5,3 м. |
| 2. | Қурилиши тугалланмаган сервис-марказ (литер 0002) | Узунлиги —54,4 м., кенглиги —36,4 м., майдони —1980,16 кв.м., баландлиги —5,3 м. |
| 3. | Қурилиши тугалланмаган иншоотлар (автобуслар учун гараж) (литер 0003 ва 0004) | (литер 0003) узунлиги —109,0 м., кенглиги —18,0 м., майдони —1962,0 кв.м., (литер 0004) узунлиги —109,0 м., кенглиги —24,0 м., майдони —2616,0 кв.м. |

Объект баландлиги 3 м. ва узунлиги 1176 м. бўлган темир-бетон тўсиқ билан атрофи ўралган. Тошкент — Олмалиқ автомагистрали, «Толали экинлар» заводи, «Авто-ВАЗ» сервис-маркази ва «Роҳат» кўли билан чегарадош.

Қурилиш ости майдони — 6846,16 кв.м., ҳовли майдони — 68523,84 кв.м., умумий фойдаланиш майдони — 7,537 гектар.

Ушбу иншоотларга электр энергияси, телефон, сув қувури ва канализация ўтказиш имкониятлари мавжуд.

**Объектнинг бошланғич баҳоси — 1 945 000 000,0 (бир миллиард тўққиз юз қирқ беш миллион) сўм.**

Ушбу объектнинг такрорий очиқ аукцион савдоси 2008 йил 15, 22, 29 май кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika Mulk-Auksioni» ДУКнинг «Ўзсаноатқурилишбанк»и Марказий амалиёт минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000804537599001, МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100.

Аукцион савдосида қатнашиш учун закалат келишувини расмийлаштириб ва тўланганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси билан бирга, савдода қатнашиш учун ариза, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиш лозим.

Ариза ва бошқа ҳужжатлар Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залининг 1-хонасида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш 2008 йил 7 май куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй.
Телефонлар: (8-371) 139-83-82, 139-21-03. Факс: (8-371) 150-34-46.

655R/706

# "ЎЗМОНТАЖМАХСУСҚУРИЛИШ" УЮШМАСИ

**2008 йил 25 - 27 апрель кунлари**

Тошкент шаҳри, "Жарқўрғон" кўчаси, 22-"А" уй ҳудудидаги

"Енгил металл қурилмалари заводи" ОАЖ биносида

**ТАРМОҚ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.**

Ярмарка соат 10.00 дан 17.00 гача ишлайди.

**ЯРМАРКАГА БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАР, МАНФААТДОР КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.**



**Тел.: 234-57-98, 234-75-21.**

663R/2266

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ, ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг ўн етти йиллигини кенг нишонлаш, мамлакатимиз истиқлолини тараннум этадиган янги қўшиқ ва мусиқий асарлар яратишни рағбатлантириш мақсадида

**«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусида**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар республика танловини эълон қилади.

**Танлов уч босқичда ташкил этилади:**

**I босқич 2008 йил 1 майдан 15 майгача**
*Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.*

**II босқич 20 майдан 5 июнгача**
*Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.*

**III босқич 10-15 июнь кунлари**
*Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.*

**Танловда туман, шаҳар ва вилоят мутасадди ташкилотлари тавсия-буюртманомалари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.**



**Республика танлови ғолиблари уч йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.**

*БИРИНЧИ ЎРИН УЧУН*
(учта, ҳар бир ғолибга 1 миллион сўмдан) — **3 000 000 сўм.**

*ИККИНЧИ ЎРИН УЧУН*
(учта, ҳар бир ғолибга 800 минг сўмдан) — **2 400 000 сўм.**

*УЧИНЧИ ЎРИН УЧУН*
(учта, ҳар бир ғолибга 600 минг сўмдан) — **1 800 000 сўм.**

*РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР*
(йигирма битта, ҳар бирига 400 минг сўмдан) — **8 400 000 сўм.**

**Танловда ғолиб бўлган қўшиқ ва мусиқий асарлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси. Телефон: 139-43-73.

## *Муҳтарам газетхон!*

***Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.***

## «PK TREXGORKA» ЁАЖ

- Ўзи ишлаб чиқарган том қопламалари (рубероид)ни сотади.
- Ўз маҳсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган.
NSS UZ. 01.143.0513752

**245-10-32, 245-11-72, 245-11-82**

443H/188

Товар сертифицирован

## ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ

**Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки**

**Для**
- **ВОДОСНАБЖЕНИЯ**
- **ГАЗОСНАБЖЕНИЯ**
- **КАНАЛИЗАЦИИ**
- **КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.**



Форма оплаты – безналичный расчет.

**Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 2782525**
E-mail:trubs_uz@mail.ru

WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT (WIUT) University of Westminster

# 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛИ ЭЪЛОНИ

**Тошкент Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) Буюк Британиянинг илғор олий таълим тажрибасини ўзида мужассамлаштирган, Марказий Осиёдаги ягона ўқув юртидир. Университет талабаларга Лондондаги Вестминстер университетининг бакалавр ўқув дастури асосида таълим беради ва ўқиш тамомланганида Лондондаги Вестминстер университетининг дипломлари топширилади.**

**Университет талабаларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:**

**УМУМТАЪЛИМ КУРСИ – 1 курс.**

Бу курсда талабалар халқаро таълим тизимида керак бўладиган бошланғич билим ва тажрибага эга бўладилар. Биринчи курсни тугатгандан кейин бериладиган сертификат талабаларнинг Лондондаги Вестминстер университетида ёки чет элнинг бошқа университетларида бакалавр курсларида таҳсил олишни давом эттиришига имкон беради.

**БАКАЛАВРИАТ дастури бўйича:**
**БИЗНЕС**
**ИҚТИСОДИЁТ**
**ТИЖОРИЙ ҲУҚУҚ**
**БИЗНЕСДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Ушбу курслар олти ўқув семестридан иборат бўлиб, курс тугаши билан бакалавр дипломи берилади.

### Абитуриентларни қабул қилиш шартлари

Абитуриентлар қуйидаги билимларга эга бўлишлари лозим:

- инглиз тили – IELTS бўйича:
  - *биринчи курсга кириш учун камида 5.5 балл (ёзма бўлимидан энг камида 5.0 балл);*
  - *иккинчи курсга кириш учун камида 6.0 балл (ёзма бўлимидан энг камида 6.0 балл);*
  - *иккинчи курс тижорий ҳуқуқ факультетига кириш учун камида 6.5 балл (ёзма бўлимидан энг камида 6.0 балл)га эга бўлиш керак.*

Тўлов-шартнома асосида ўқимоқчи бўлган абитуриентлар TOEFL сертификатини топширишлари мумкин ва бу баллар университет томонидан тасдиқланган жадвал асосида IELTS балларига ўтказилади.

Тўлиқ маълумот учун университетга мурожаат қилинг.

- Математика – Лондондаги Вестминстер университети томонидан тасдиқланган, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг математика бўйича кириш имтиҳонини топшириш керак.
- 1- курсга ҳужжат топширган абитуриентнинг ёши биринчи ўқув йили давомида камида 17 бўлиши лозим.
- Бакалавр курсига (2-курс) ҳужжат топширган абитуриентнинг ёши биринчи ўқув йили давомида камида 18 бўлиши лозим.

### Грант

- Университет гранти учун 20 та жой ажратилган.
- Фақатгина 1-курсга кирувчи талабалар тўрт йил давомида грант олиш имкониятига эга бўладилар.
- Грантга кирмоқчи бўлган абитуриентлар фақат IELTS сертификатини топширишлари шарт.
- Тошкент Халқаро Вестминстер университети кириш Грант-тести (математика ва мантиқдан) ҳамда IELTS тестидан энг юқори натижага эришган талабаларгина грант совриндори бўла оладилар.
- Грант фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

### Бошқа маълумотлар

- Ўқиш давомида йигитлар ҳарбий тайёргарлик курсларига синов натижалари бўйича қабул қилинадилар.
- Вилоятлардан келган талабалар ётоқхона ва Тошкентда вақтинча яшаш ҳуқуқини берувчи қайднома билан таъминланадилар.
- Университет Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган, кам таъминланган оилаларда яшовчи талабаларнинг темир йўл транспорти (ёки автобус) сафар харажатларини қоплайди. Бунинг учун маҳаллий бошқарув идоралари томонидан оила даромади кўрсатилган ва туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган маълумотнома ҳамда йўл чиптаси тақдим этилиши лозим.

### Аризаларни қабул қилиш ва кириш имтиҳонлари тартиби

- 2008-2009 ўқув йилига кириш учун талаба махсус аризани тўлдириб, университет ўқув бўлимига топшириши лозим. Махсус ариза шаклини университетдан ёки университет интернет сайтидан (www.wiut.uz ) олиш мумкин.
- Тўлдирилган аризаларни қабул комиссиясига топшириш муддати:
  - *Тўлов-шартнома асосида ўқимоқчи бўлган абитуриентлар учун — 2008 йилнинг 12 августигача (математикадан кириш имтиҳонлари: 14 май, 11 июнь, 9 июль, 13 август; IELTS имтиҳонини топширишнинг охирги муддати — 21 август.*
  - *Грантга топшираётган абитуриентлар учун 2008 йилнинг 26 июни Грант-тестига аризалар қабул қилишнинг сўнгги куни ҳисобланади. Грант-тест 1, 2, 3 июль кунлари; IELTS сертификати — 13 августдан кеч топширилмаслиги керак, IELTSнинг охирги имтиҳон куни — 24 июль.*
- Имтиҳондан муваффақиятли ўтган абитуриентлар қолган ҳужжатларни 19 сентябргача, яъни расмий ўқиш бошланиш кунигача топширишлари лозим. Топширилиши керак бўлган ҳужжатлар: ўрта таълимни тугатганлиги тўғрисида шаҳодатнома (аттестат), II курсга топширувчилар учун рейтинг дафтарчасининг нусхаси, 8 та фотосурат (3х4), 086 шаклидаги тиббий маълумотнома, паспорт нусхаси, ҳарбий гувоҳнома (йигитлар учун).



**Қабул комиссиясининг иш соатлари:**
**душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 17.00 гача.**

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин:
Ўзбекистон, 100000, Тошкент ш., Охунбобоев к., 12-уй, Тошкент Халқаро Вестминстер университети.
Телефонлар: +(99871) 232-27-74, 238-74-74. Интернет саҳифаси: www.wiut.uz ёки э-почта: advice@wiut.uz

614R/667

## МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ «ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ»

**чет элда шартнома асосида меҳнат фаолияти олиб бориш истагида бўлган қурувчилар (ғишт терувчи, кафелчи) ва ҳайдовчиларни («B, C, D» категорияли) Польша Республикасида**

**ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

- ***ёши — 20-45 оралиғида;***
- ***кўрсатилган мутахассислиги бўйича иш малакаси 2 йилдан кам бўлмаган;***
- ***мутахассислигини тасдиқловчи гувоҳномаси бор шахс;***
- ***рус тилини билиши шарт.***

**Қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши зарур:**

- ***паспорт (асли) ва барча бетлари нусхаси — 5 та;***
- ***ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси — 2 та;***
- ***сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимини тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси — 1 та.***
- ***меҳнат дафтарчаси (асли) ва нусхаси — 1 та.***
- ***конвертда 3х4 ҳажмдаги фотосурат — 6 та.***

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ҳафта ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона.
Мўлжал: Ҳадра майдони, SAMSUNG, Мебеллар дўкони орқасида.
Маълумот учун телефонлар: 234-44-13, 227-08-78.

669R/715

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

**2008 йил 20 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда:**

- Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 19 апрелдаги 4155-57/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган «DIA» хусусий фирмасига тегишли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-25 даҳаси, Фозилтепа кўчаси, 12-«В» уй манзилида жойлашган бир қаватли бино — 148 кв.м., омборхона — 254 кв.м., ишлаб чиқариш майдони — 2549 кв.м. ва қоровулхона — 21 кв.м.дан ташкил топган ишлаб чиқариш базаси бинолари.
  Бошланғич баҳоси — 370 602 000 сўм.

- Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 19 апрелдаги 4155-57/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган «DIA» хусусий фирмасига тегишли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-25 даҳаси, Фозилтепа кўчаси, 12-«В» уй манзилида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AI470 бўлган «УАЗ-374101» русумли автотранспорт воситаси.
  Бошланғич баҳоси — 312 000 сўм.

*Лицензия DB001-000010.*

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги ҳ/р 20208000804234776001, МФО 00417, СТИР 204325773 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй.
Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93.



*Нурота шаҳридаги қай бир хонадонга қадам қўйманг, қўли гул хотин-қизларнинг бетакрор ҳунари маҳсулига кўзингиз тушади. Айниқса, бу чеварлар ғайрати кейинги йилларда янада жўш урган. Улар касаначилик асосида тикиш-бичиш билан машғул, шу орқали рўзғорга барака киряпти.*

# ИПАКЛАРИ ТИЛЛО СЎЗАНАМ!

— **Б**увию момолар сўзаналарни "Ёмба", "Косагул", "Ойдор", "Чоршох", "Панжгула", "Беш юлдуз", "Қиличакли сўзана" номлари билан аташган, — дейди суҳбатдошимиз Саодат Салоҳиддинова. — Жумладан, Хадичамомо XIX аср охирларида тиккан ва "Қиличакли" деб номлаган сўзаналар ҳозиргача уйларимизга кўрк бағишлаб турибди. Бу буюмларда чинакам миллийлигимиз рамзи, эзгулик ва покликни ифодаловчи нафис нақшлар "нур сочиб" туради.

Хадичамомони "Амбатўта" деярдик. Биз 10-12 ёшли болалар у киши иш тикса, ёнидан кетмай, атрофида чуғурлашиб юрганимиз юрган эди. Оналаримиз "Амбатўта" тиккан босма чок, йўрмадўзи, кандахаёл, чиндахаёл, хомдўзи сингари усулларни тузуккина ўрганиб олишди. Шу тариқа, бу ҳунар улардан бизга мерос қолди.

Саодат Салоҳиддинова болаликдан каштадўзликнинг ҳар бир юмушини қунт билан кузатгани боис уни пухта ўзлаштириб олганди. Мана энди, бу бебаҳо ҳунар сирларини ёшларга ўргатаяпти.

Ана шундай оқила хотин-қизлар туфайли момолар ҳунари — каштадўзлик бугун Нуротада ривож топди. Эндиликда ҳам қадимий, ҳам замонавий кашталарнинг нусхалари уйғунлашиб, туманнинг ўзига хос нақшли сўзаналари пайдо бўлган. Келинчакларнинг уйлари бу рангин сўзаналарга бурканса, мисли чамандек ял-ял товланади. Хусусан, "Товадони", "Товуснусха", "Атиргул", "Чинигул", "Бодом нусха", "Лола нусха" деб номланган кашталарда миллийлик ва замонавийлик уфуриб турибди.

▼ **Мерос**

Дарвоқе, "Амбатўта" авлодлари — Раҳматовлар ҳамда Салоҳиддиновлар хонадони бугунги кунда каштачилик сирларини эгаллаб, шу ҳунар орқасидан ҳалол даромад орттиришяпти. Муҳтарамой Салоҳиддинова, Гулжаҳон Муҳиддинова, Мадина Исматуллаева, Адолат Ражабовалар шулар жумласидандир.

Сулола асосчиси Хадичабону Кичикхўжа қизи бошлаб берган хайрли ишларни авлодлар қарийб юз эллик йилдан буён қадру эъзоз ила давом эттириб келмоқда.

...Каштачилик ҳунарининг Нурота мактабидан ташқари яна Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Тошкент йўналишлари мавжуд. Булар орасида Нурота каштаси ўз бетакрор жилолари билан алоҳида ажралиб туради.

Бугунги кунда Нурота каштачилик мактабини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

— Бу мактаб бизнинг ҳудудда қадимдан мавжуд, — дейди Навоий тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори Аминжон Қодиров. — Айни пайтда, Нурота каштачилик мактаби ижодкорлари XIX аср сўзаналаридан нусха олиб, қадимий усулларни тиклашаяпти.

Шундай ташаббускор ва ижодкор ҳунармандлардан бири сифатида Олия Мансуровани ҳам эътироф этиш мумкин. Бу жонкуяр аёл саъй-ҳаракатлари билан туманда кўп тармоқли кичик корхона фаолияти йўлга қўйилган. Унда тикилаётган кашталар Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ўзининг доимий мижозларига эга.

— Ўтган йили касаначилик ишларига 20 нафар хотин-қизни жалб этгандик, — дейди Олияхон. — Ишни намунали ташкил этганимиз боис, 2007 йили "Меҳр нури" жамғармасининг пойтахтда ўтказилган кўрик-танловида "Оилавий тадбиркорлик ривожи" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритдик. Жамғарма тақдим этган грант маблағи эвазига яна 20 нафар қиз-жувон ишли бўлди. Қўшимча 4 та тикув машинаси сотиб олиб, каштачилик ва зардўзлик маҳсулотларини тайёрламоқдамиз.

Касаначилик ривожида туман бандликка кўмаклашиш марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Марказ бугунги кунда 204 нафар аёлни иш билан таъминлади, касаначи аёллар каштадўзликнинг сўзана, такяпўш, жойнамоз, белбоғ, чорси, ойнахалта сингари турларини харидорлар талабига биноан пешма-пеш етказиб беришмоқда. Муҳими, бу аёллар Юртбошимиз Фармонига мувофиқ, ҳам иш ўрнига, ҳам қўшимча даромад манбаига ва ҳам келажакда жамият ривожига ҳисса қўшган ишчилар қатори пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Тикувчиларнинг ҳар бири номига меҳнат дафтарчаси расмийлаштирилиб, иш берувчи ва ходималар ўртасида меҳнат шартномаси тузилган.

**И**мкониятлар етарли бўлгач, иш унуми, соҳа ривожи ҳам тараққий топади. Чеварлар қўлида сайқалланиб, бозорга чиқарилган сўзаналар ҳозир хорижлик харидорларнинг ҳам диққат-эътиборини тортмоқда. Бундан илҳомланган нуроталик тадбиркорлар келгусида каштачилик корхонасини очишмоқчи. Минглаб ишчи-ходим меҳнат қилажак бу корхона момолардан мерос миллий ҳунаримиз довруғини жаҳонга ёйса, қадриятларимиз бардавомлигини таъминласа, не ажаб?!

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## Жаҳон ва Осиё чемпионатига йўлланма



***Пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.***

Ғолибларга Осиё ва жаҳон чемпионатлари йўлланмалари берилиши сабабли сўнгги тургача баҳслар қизғин кечди. Ўсмирлар ўртасидаги мусобақалар якунида самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов ва тошкентлик Роман Голубев 8 тадан очко тўплашга муваффақ бўлишди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича ғолиблик Жаҳонгир Воҳидовга насиб этди.

Учинчи ўрин соҳибини аниқлашда ҳам ҳакамлар анча бош қотиришига тўғри келди. Чунки, сўнгги турдан кейин Самарқанд вилояти вакили Алихон Ҳусейнов ва Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Сардор Исроилов жамғарган очколар 6,5 та эди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича бронза медали Алихон Ҳусейновга бериладиган бўлди.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева 8 очко билан мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан 7 очко жамғарган навоийлик Моҳинур Қаҳрамонова, учинчи поғонадан эса 6,5 очко билан самарқандлик Фарида Хурсандова жой олди.

Мусобақа низомига кўра, Жаҳонгир Воҳидов ва Сарвиноз Қурбонбоевага жаҳон, Роман Голубев ва Моҳинур Қаҳрамоновага эса Осиё чемпионати йўлланмаси берилди.

## Сингапур учрашуви олдидан

***Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2 июнь куни сафарда Сингапур футболчиларига қарши жаҳон чемпионати саралаш учрашувида майдонга тушади.***

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, ҳозирда терма жамоамиз бош мураббийси Рауф Инилеев рақибларимиз ўйинларини ўрганмоқда.

— Сингапурликларнинг Ливан термаси билан учрашуви ёзувини бир неча марта томоша қилдим,— дейди Р. Инилеев. — Сингапурликлар анча устун эканлиги кўзга ташланиб турибди. Қолаверса, ушбу мамлакатда кейинги уч-тўрт йил ичида футбол анча тараққий этди. Сингапур фуқаролигини олган хорижлик футболчилар мамлакатга Европа футболи руҳини олиб келишибди. Шунинг учун уларга қарши беллашувга ҳар жиҳатдан жиддий тайёргарлик кўришимизга тўғри келади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси Сингапур футболчиларига қарши ўйин олдидан май ойининг охирги ўн кунлигида ўқув-йиғин машғулотини ўтказади. Агар ўзаро музокаралар муваффақиятли тугаса, КХДР футболчилари билан ўртоқлик учрашувини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

## ФУТБОЛ АТАМАЛАРИ ЛУҒАТИ



Европа футбол ушмаси (УЕФА)нинг лингвистика хизмати қитъадаги олий ўқув юртлари мутахассислари билан ҳамкорликда футбол атамалари жамланган янги луғат ишлаб чиқарди, деб хабар беради uff.uz сайти.

Футбол атамалари луғати ҳозирча инглиз, француз ва немис тилларида босмадан чиқарилади. Унда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) ва Европа футбол уюшмаси (УЕФА) томонидан қўлланиладиган расмий атамалар, шунингдек, профессионаллар ва ҳаваскорлар фойдаланадиган кундалик иборалар жой олган. Умуман, луғат 1800 та атамани ўз ичига олади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

*Қадим замонлардан буён шарқ мамлакатларида чипор бедана тухумидан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Тиббий нуқтаи назардан олганда, ҳақиқатан ҳам у асаб фаолиятининг сусайишини, сил, қанд, ошқозон яраси, зиққи нафас (астма), қон босими, камқонлик хасталикларини даволашда самара беради.*

## Танга қувват, дардга шифо

Билиб қўйган яхши

Шу билан бирга, танада модда алмашинувини, қон айланишини, тананинг умумий ҳолатини яхшилайди.

Бедана тухуми хом ҳолатда эрталабки ва кечки таом олдидан 3 донадан истеъмол қилинади. Ютуми таъмли бўлиши учун бир тилим апельсин ёки лимон қўшиш мумкин. Уни ҳар куни бир донадан истеъмол қилиб, 3-4 кундан сўнг 6 донага етказиш керак. Муолажа давомида 200 дона бедана тухуми тавсия этилади. Зиққи нафас (астма)ни даволаш учун тухум 6 ой давомида истеъмол қилинади. Болаларнинг нимжон ва заифлигида ҳам бедана тухуми фойдалидир. Уни 1-2 чой қошиқ шакар ёки асал билан аралаштириб, лимон ёхуд лимон суви қўшиб, ярим стакан қайноқ сувга солиб ичиш мақсадга мувофиқ.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**


Ўзбекистон Республикасининг идоралари, ташкилотлари, компаниялари ва корхоналари диққатига!

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси
2008 йил 21-22 апрель кунлари

«Ўзпахтасаноат-2008»
республика тармоқ
ишлаб чиқариш ярмаркасини ўтказади.

Ярмарка 2008 йил
21 апрель куни соат 10.00 да очилади.

Пахта тозалаш саноати учун технологик ва электр жиҳозлар, подшипниклар, текстроп камарлари (текстропные ремни), тарозилар, лаборатория ва бошқа ускуна ҳамда жиҳозларни, шунингдек, улар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб бериш имкониятига эга бўлган ташкилотларни ярмаркада иштирок этишга ва ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида соҳа учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар — гидропресс ускуналари ва улар учун бутловчи қисмлар, джин ва линтерлар учун пўлат арралар (пильная сталь), транспортёр тасмалари, крафт қоғоз, автоюклагичлар, ўт ўчириш машиналари, пахта ташийдиган машиналар ва бошқаларни ишлаб чиқаришда қатнашиш истагидаги ташкилотлар ҳам ярмаркага таклиф этиладилар.

Ярмаркада иштирок этиш учун буюртмаларни қуйидаги тел./факслар орқали юборишингизни сўраймиз: 120-79-61, 120-42-74, 256-04-21, 256-07-35.

Ярмаркада истеъмолчилар билан маҳсулотларни етказиб бериш бўйича аҳдлашув шартномалари ва контракт шартномалари имзоланади.

Ярмаркани ўтказиш жойи: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шота Руставели к., 8-уй, «Пахта тозалаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси. Мўлжал — Марказий авиакассалар.







▼ **Яхши хабар**

***Наманганда ўтказилган «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» мавзуидаги хайрия тадбирида кутубхоналарнинг адабиётлар жамғармаси янада бойиди.***

## Кутубхоналар бойимоқда

Чунки, тадбир доирасида ташкил этилган «Саховатли қалблар саховати» учрашувларида қатор ижодкорлар зиё масканларига ўзларининг асарларини туҳфа этишди. Масалан, Наманган туманидаги 20-умумтаълим мактаби муаллимаси Файзихон Набиева ўзи муаллифлик қилган «Улуғ Амир ўгитлари» китобидан 20 дона ҳамда бошқа кўплаб адабиётларни вилоят ахборот-ресурс марказига тақдим қилди. Шунингдек, вилоятдаги кўплаб жамғармалар, туманларда истиқомат қилаётган ижодкорлар ҳам ушбу савобли юмушда фаоллик кўрсатишди.

Хайрия тадбирлари давомида жойларда янги китоблар кўргазмаси ва мушоиралар уюштирилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ

*Ҳурматли фермерлар!*

«MOLSEM GROUP» МЧЖ

Тошкент шаҳридаги омборхоналардан Молдова селекцияси эртапишар гибридларининг маккажўхори уруғларини етказиб беришни таклиф этади.



Уруғлар 25 кг. ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.
Пишиб етилиш даври 75-85 кунни ташкил қилади.
Ҳосилдорлиги гектарига 80-90 центнердан.
Силос массаси гектаридан 400-500 центнер.

Маълумот учун Тошкентдаги телефонлар:
237-11-49, 237-11-67.

O'zbekiston Respublikasi Toshkent shahar Mirzo Ulug'bek tumanida ro'yxatdan o'tgan yakka tartibdagi tadbirkor Shoraxmedov Akmal Shukratjonovichga berilgan muhr yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 3